

ISLAMONLINE.UZ

adabiyot



**Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романи
Америкада мутолаада**



"Кеча ва кундуз" шу кунгача инглиз, франсуз ва рус тилларига таржима килинган

Абдулхамид Сулаймон ўгли Чўлпон 1936-йилда ёзган "Кеча ва кундуз" романи 2019-йилда АКШда инглиз тилида чоп этилган. Таржимон - 2015-2016 йилларда Ўзбекистонда изланган америкалик адабиётшунос Кристофер Форт.

22-ноябр куни Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонасида ўтган бадиий кечада Форт бу лойиха хақида бафуржа сўзлаб берди.

Чўлпон 1897-йилда Андижонда тугилган. Рус империяси хукмронлигидаги Туркистонда таълим олиб, маърифат тарғиботчиси, жадид шоир ва ёзувчи сифатида тарихга кирган. Ўнлаб сафдошлари каторида Сталин катагони қурбони бўлган. Тошкентда 1938-йилда катл этилган.

Унинг асарлари Америка университетлари ва илмий марказларида Марказий Осиё адабиёти, тарихи ва маданиятини ўрганаётган авлодга бегона эмас. Чунки 20-асрнинг биринчи ярмидаги тахликали даврни ўқиётган талабалар жадидлар, хусусан Чўлпонга алоҳида назар ташлайди.

Бадиий кеча ташкилотчиларидан бири, "Охус" Марказий Осиё тадқиқот жамияти раҳбари Эдвард Лемон сўзларига кўра, Гарбда Чўлпоннинг шайдолари талай.

Форт тахлилича, жадидлар халқни гафлатдан уйғонишга ундаган, бунинг учун эса илмга ургу бериш керак эди. Аммо бу жараён қаерда қай ёъсинда бошланар эди? Мана шу мураккаб савол, замон жумбоги, "Кеча ва кундуз" мазмунидир, дея мушоҳада юритади у. Форт узок танаффусдан кейин Ўзбекистон ва АКШ орасидаги "Фулбригхт" таълимий алмашинув дастури доирасида республикага бориб, миллий адабиётни ўрганган; хамкасблар билан боғланиб, профессионал хамкорликни ёълга қўйган.

Форт ҳозирда Бишкекда жойлашган Марказий Осиёдаги Америка университетида дарс беради. Ўзбек ва рус тилларида бемалол гаплашадиган мутахассис дейдики, замонавий ўзбек адабиёти хам унга бағоят кизик.

Америкалик китобхонлар учун уларни инглиз тилига ўгириш юксак ахамият касб этади, дейди у, "Америка Овози" билан суҳбатда.

Форт ҳозирда Абдулла Каххорнинг асарларини инглизчага таржима қилиш билан банд. Бу лойихалар вақт, ресурс хамда Ўзбекистондаги адиблар ва олимлар билан яқиндан ишлашни талаб этади.

Суҳбатда таржимон "Кеча ва кундуз" ва Чўлпон хақидаги ўзига хос тахлили билан ўртоқлашди.

[Навбахор Имамова](#)